ИККИ СОАТДА ЎРДИ

НАМАНГАН. Қ. Солиев номли жамоа хўжалиги пудратчиси Султонмурод Мирзақулов 14 гектарли ғаллани икки соатда ўрди. Бу ишда Американинг "Кейс" комбайни қўл келди. Бундай комбайнлардан 20 таси ишлатилмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

"ОҚСАРОЙ" ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

ҚАШҚАДАРЁ. *Соҳибқироннинг табаррук тўйига ҳозирланаётган Шаҳрисабз чирой очмоқда. Улуғ саркарда замонасида бунёд этилган обидалар таъмирланиб, аслига қайтариляпти. Оқсарой, Чорсу ёдгорликлари, Кўкгумбаз масжидининг бугунги қиёфаси ўзгача.*

Юнус УЗОҚОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

САМАРҚАНДЛИК ОЛИМ — НЬЮ-ЙОРК АКАДЕМИГИ

САМАРҚАНД. *Бу ердаги тиббиёт олийгоҳи профессори Б.С. Турсунов Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди. 47 ёшли олим 320 дан зиёд китоб, қўлланма рисола ва йирик мақолалар муаллифидир.*

Фармон ТОШЕВ.

ВЕНГРИЯ УРУҒЛАРИ СОЧИЛДИ

СИРДАРЁ. Оқолтин тумани далаларида арпа ва буғдойдан бўшаган майдонларга маккажўхори экиш бошланди. Биринчи марта Венгриядан келтирилган маккажўхори уруғлари сочилмоқда. Ҳосил 3-4 ойда эмас, 65-70 кунда етилиши кутиляпти. Ҳосилдорликни гектар бошига 60 центнерга етказиш мўлжалланяпти.

Абдужалил УМАРОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 29 июнь, шанба № 81-82 (22.003).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ХЬЮСТОНЛИКЛАР ГУЛЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШДИ

ХЬЮСТОН. Техас штати, 27 июнь. (ЎзА махсус мухбири Амиркул КАРИМ хабар қилади). Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 26 июнь куни Вашингтондан Хьюстонга келди. Аэропортда Президент Ислом Каримов ва у раҳбарлик қилаётган делегацияни Хьюстон шаҳри раҳбарияти ва шаҳар жамоатчилиги анвойи гуллар, алоҳида самимиятга йўғрилган меҳмоннавозлик билан қарши олди. Ўзбекистон ва АҚШ Давлат мадҳиялари янгради.

Ислом Каримов шаҳар жамоатчилиги вакиллари олдида бу заминга Ўзбекистон билан АҚШ жумладан, мамлакатимиз вилоятлари билан Техас штати ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш ниятида таширриф буюрганини қайд этди. Ўзбекистон Президенти Америкада йириклиги ва аҳолисининг сони бўйича 4-ўринда турадиган Хьюстон шаҳри мэри Р. Ланиер билан мулоқотда бўлди. Ҳар икки томон ҳам тобора ривожланиб бораётган иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқалар мустаҳкамланиши ва кенгайишини ёқлаб фикр билдирди.

Шу куни шаҳарнинг «Хьюстониан» меҳмонхонаси мажлислар залида «Ўзбекистоннинг нефть ва газ соҳасидаги имкониятлари» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Америка савдо ва тараққиёт агентлиги раҳбари Ж. Гранд Мейсон бошқарган ушбу конференцияда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Техас штати ишбилармонлари олдида сўзга чиқди. Юртбошимиз ўз нутқида истиқлолга эришиб, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, жаҳон интеграция жараёнларига тезроқ қўшилиш сари дадил илгарилаётган Ўзбекистоннинг энергетика, жумладан, нефть ва газ саноати, табиий имкониятлари, мамлакатимизда ишбилармонлар учун яратилган шарт-шароит, афзаллик ва кафолатлар ҳақида сўз юритди. Анжуман чоғида «Ўзбекнефтегаз» миллий корпорацияси билан Америка компаниялари ўртасида қўшма корхоналар тузиш, ҳамкорлик ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримов меҳмонхонанинг кўргазмалар залида ташкил этилган «Ўзбекистоннинг нефть-газ салоҳияти» мавзуидаги кўргазмани кўздан кечирди. «Онокал» ва «Дельта» компаниялари раҳбарлари билан учрашди. Тушдан сўнг Ислом Каримов ўзи учун ажратилган «Чор Сизонс» меҳмонхонаси қароргоҳида «ЭЙ-БИ-БИ» фирмаси президенти ва ижрочи директори П. Барнавик раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди. Бу фирма Ўзбекистонда электр станцияларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш борасида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Суҳбатда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш хусусида сўз юритилди.

Ислом Каримов мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган яна бир Америка корпорацияси — «Энрон» раиси К. Лей билан суҳбатлашди. Бу компания Хьюстондаги «Ривер Оакс Кантри Клап»да Ўзбекистон Президенти шарафига қабул маросими уюштирди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

(ЮСИА) — АҚШ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ:

Илгари хабар қилинганидек, Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

«Оқ уй матбуот хизмати ушбу мулоқот юзасидан баёнот тарқатди. Қуйида унинг тўлиқ матни билан танишасиз:

Оқ уйнинг юқори мартабали меҳмонларга мўлжалланган хонасида Президент Клинтон ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларни чуқурлаштириш йўллари муҳокама қилинди. Президентлар икки томонни қизиқтирган етакчи иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик масалаларини, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда Ўрта Осиёдаги вазиятни муҳокама қилишди. Президент Клинтон АҚШ, Ўрта Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва ривожланишидан ҳар томонлама манфаатдор эканлигини тасдиқлади. Жумладан, у Ўзбекистоннинг Ғарб билан қалин муносабатлар ўрнатиш ва халқаро ҳамжамиятга қўшилиш, қўшнилар билан конструктив муносабатлар ўрнатишида АҚШ амалга ошираётган ишларга эътиборини қаратди. Шунингдек, Президент Клинтон Ўзбекистон Ўрта Осиё регионида етакчи ўринда туриши туфайли АҚШ бу мамлакат билан кенг қамровли масалалар бўйича қалин алоқалар ўрнатиш ниятида эканини таъкидлади».

ВАШИНГТОН. 25 ИЮНЬ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВА АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛЛ КЛИНТОННИНГ ОҚ УЙДА ЯККАМА-ЯККА СУҲБАТИ ПАЙТИ.

РЕЙТЕР АГЕНТЛИГИ ОЛГАН СУРАТ.
«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ОРҚАЛИ ОЛИНДИ.

ҲАЛОКАТ ҚУРБОНЛАРИГА ЁДГОРЛИК

Саудия Арабистонида АҚШнинг ўлдирилган 19 ҳарбий хизматчиси ҳоки пайшанба куни Америкага қайтарилди. Тобутлар С-5 ҳарбий транспорт ўчоғида келтирилди. Флорида штатида жойлашган ҳарбий ҳаво кучларининг Яқин Шарқдаги муваққат бўлинмаси 19 нафар марҳум хизматчиси шарафига шу штатда ёдгорлик мажмуи эртага — якшанба куни ўрнатиладиган бўлди.

ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ «УРУШ»

Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон ва жаҳоннинг бошқа етакчи сиёсатчилари Саудия Арабистонида АҚШ аскарлари ҳарбий ҳаво ҳужумига тутилганидан кейин терроризмга қарши жиддий шуғулланишга қасамёд қилдилар. Франциянинг Лион шаҳрида бўлиб ўтган Европанинг етти давлат раҳбарлари учрашувида ҳарбий қуроллар ва зўравонликка қарши «уруш» очилди. Етти давлат ҳамда Россия ташқи ишлар вазирлари июль ойида Францияда учрашиб, бу борадаги амалий чоралар мажмуига қўшимча яна қирқта таклифни муҳокама этадилар.

ТАМАКИ ТАҚИҚЛАНАДИ

Америка Тиббиёт Иттифоқи тамаки ишлаб чиқаришни озайтириш ҳақида таклиф билан чиқди. Иттифоқ, тамаки ишлаб чиқаришдан кўра аҳоли соғлиғини сақлашга сармоя ётқизилса яхши бўлар эди, демоқда. Тамаки ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналарнинг раҳбарлари бундай қарордан норози бўлмоқдалар. Қонун йўли билан тамакига нисбатан қўлланилаётган тазйиқ одамлар учун қийинчилик туғдиради.

ЯНА БИР КАСАЛЛИК

АҚШ тиббиётчилари юзлаб одамларда янги касалликни келтириб чиқарган вирус табиатини ўрганмоқдалар. Тиббиёт илмий-тадқиқот маркази 11 та давлатда шу касаллик изларини аниқлаган. Ҳали ўз номига эга бўлмаган мазкур касаллик вируслари қулупнай ёки малина тановвул этилганлигидан пайдо бўлиши тахмин қилинмоқда.

УЧОҚ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

АҚШ Федерал авиация бошқармасининг 592 йўналишдаги учоғи ҳалокатга учради. Учувчи ҳалокатдан олдин Майами аэропорти диспетчерларига «кабинада тутун, каютада тутун» аломатини билдирди. Бу ҳалокатдан бир дақиқа ўтар-ўтмас, энг яқин аэропортга қўниш ҳақида буйруқ олинганлигига қарамай, Флорида осмонида рўй берган фожиада ўша пайтда учоқда бўлган 110 одамнинг ҳаммаси ҳалок бўлди.

МИСР МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

28 июнь куни Рассомлар уюшмасининг халқаро марказида Миср маҳсулотлари кўргазмасининг очилиш маросими бўлди. Кўргазма Ўзбекистоннинг «Илғор-Е» ва Мисрнинг «Юнимебел» фирмалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов бу воқеа Ўзбекистон ва Миср Араб Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари ташланган янги қадам эканини таъкидлади.

Кўргазмада мебель, сантехника, кийим-кечак, пойабзал, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа юқори сифатли кенг истеъмол моллари намойиш этилмоқда.

Маросимда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Абдулғани Муҳаммад Абдулғани сўзга чиқди.

(ЎзА).

МАҚСАД ФАҚАТ ЖАЗОЛАШМИ?

Ҳуқуқий жамият сари

Прокуратуранинг, айниқса, туман прокуратурасининг иши бир олам. Маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳам шу тизимнинг зиммасида. Арнасой туман прокурори тақдим этган ўрим-йиғим мавсумига оид режалар билан таниша бошлаганимда прокурор назорати ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ўртасидаги «девор»ни йўқотиб қўйдим. Иккала соҳа бир-бири билан шу даражада уйғунлашиб кетганки, яхшиси мазкур туман прокурор хизматига бошчилик қилаётган адлия маслаҳатчиси Рустам ДАВРОНОВга сўз бера қолайлик.

— Президентимиз Ислом Каримов қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига қандай эътибор бераётгани барчага аён. Юртбошимиз нутқлари ва фармонларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиш — бизнинг иш услубимиз. Ҳосил ўрим-йиғими масалаларида вазифамиз одамларни уюштириш, улар фаолиятини қонун доирасида керакли ўзанга йўналтиришдан иборат. Ғалла ўрим-йиғими катта вазифа. Қанча ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, яроқсиз техникани созлаш каби юмушлар мужассам. Дарвоқе, техника ҳақида. Туман ички ишлар бўлими бизнинг ходимлар иштирокида 312 та техника воситасининг далаларда сочилиб ётган жойидан йиғиштириб олди. Бундай хўжасизликка лоқайд қараш мумкинми? Агрегатларни ягона таъмирлаш устахонасига тўпладик. Уларни қандай созлаш мумкин? Ҳозир таъмирчилар учта трактордан иккита, иккитасидан битта тракторни бутлашяпти. Албатта, ҳозир осон эмас, лекин қўл қовуштириб ҳам бўлмайди. Биз айбдорларни жазоладик. Баъзиларини маъмурий, айримларини жиноий жавобгарликка тортдик. Жазо бериш учун жазолаётганимиз йўқ. Аввало одамларга тушунтириш, қонун бандларини шарҳлаш йўлидан боряпмиз. Ишимизда майда-чуйда нарсалар йўқ. Керак бўлса устахонанинг «ички ишлари»гача аралашамиз.

Хусусийлаштиришни ҳам назорат қилиш керак. Баъзан энг яхши техникани энг паст баҳода хусусийлаштиришга ҳаракат қилишади. Сабаби тушунарли. «Олтин водий» ва «Қозоғистон» каби хўжаликларнинг ёқилғи-мойлаш материалларини тақсимлайдиган пунктни назорат остига олишга тўғри келди. Ҳозир биз туман агросаноат уюшмаси билан ҳамкорликда бевосита ўрим-йиғимда қатнашадиган кадрлар ва мутахассислар ҳақида бош қотиряпмиз.

Дала ишларида барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳам бизга юклатилган. Қонунчиликка риоя қилишни тарғиб этишда туман «Арнасой тонги» газетаси ва радиоси минбаридан унумли фойдаланамиз. Масалан, радио орқали қилинган ишлар ҳақида гапириб бергандик, прокуратурага икки - уч йилдан бери ташландиқ ҳолда ётган техникалар ҳақида сигналлар устма-уст келди. Хусусийлаштириш борасидаги камчиликлар ҳақида сўз юритганимиздан кейин «Андижон» хўжалиги марказий қўрғонидан икки киши асоссиз сақланаётган техника воситасини олиб келиб топширди. Бунақа мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин хулоса битта: одамларда қонунга ҳурмат, бозорга меҳр уйғотмоқда.

Марат НОСИРОВ ёзиб олди.

Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига

Файзулла Хўжаев санъатга бўлган чексиз меҳри билан бу сирли оламга ниҳоятда яқин эди. Мен бир кекса санъаткор сифатида шундай улкан давлат арбоби билан замондош, ҳамнафас яшамоқ бахтига муяссар бўлганимдан фахрланаман.

Айниқса, ў ўз халқимиз маданияти, санъати ва адабиётининг обрусини кўтаришда катта хизмат қилди. Ижодкорларга қўлидан келганича ёрдамини аямади. Ютуқларимиз билан фахрланарди. Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди: 1937 йили Москвада ўтказилган декададан қайтдик. Келсак жуда катта тантанали кутиб олиш маросими уюштирилган. Бунинг бошида Файзулла Хўжаев турган эди. Биз очиқ машинада кўчаларни айландик. Самолётдан варақалар ташланди. Тўпланган халқнинг сон-саноғи йўқ эди...

1925 йилнинг ёзида Бокуда ўқиган талабалар Ўзбекистонга келиб, 4 та спектакль ва битта концерт дастури

Ҳалима НОСИРОВА:

«МЕН ЎРГАНМАГАН МАҚОМ»

билан бир неча шаҳарларда бўлдик. У киши ҳамма спектаклларимизга келди. Ўша йили мен Файзулла Хўжаев билан танишдим.

Ҳамза театрининг энг иқтидорли артисти Турсунойнинг даҳшатли ўлимидан кейин Файзулла Хўжаев ташаббуси билан мени ва бошқа талабаларни Бокудан чақириб олишди. Қайтиб келиб, Ҳамза драма театри артистлари сифатида ишлай бошладик. Ўша даврда Самарқандда, кейин Тошкентда шанба, якшанба кунлари Фитрат, Домла Ҳалим, Ҳожи Абдулазиз, Қори Ёқубов, Тамарахоним, мен Файзулла Хўжаев ва бошқалар билан тез-тез учрашиб турар эдик. Ўша қийин вақтларда ҳам бундай йиғилишлар бизга маълум маънода кўмак ва далда бўларди. Лекин асосий мақсад — ижодий ҳамкорлик эди. Бундай учрашувларда Файзулла Хўжаев санъаткорлар билан яқинроқ танишарди, уларнинг истак-тилакларини билиб, ёрдам беришга ҳаракат қиларди. У киши табиатан камгап одам эди. Кўпинча бошқаларни тинглашни, эшитишни хуш кўрарди. Шу билан бирга гоҳо бизга кўп хотираларини гапириб берар, бошқа миллатларнинг адабиёти ва санъати билан таништирарди. Масалан, Вертинскийнинг пластинкаларини қўйиб, ўзи ҳам берилиб тинглар ҳатто «Она» деган қўшиғини эшитганда кўзларига ёш оларди.

Файзулла Хўжаев, айниқса, Қори Ёқубов ва Тамарахоним санъатини жуда қадрларди. Зеро, Муҳитдин Қори Ёқубов ўзининг кучли, ноёб овози билан ўша даврда машҳур эди.

1928 йили Файзулла Хўжаев ўз ташаббуси билан Туйчи ҳофиз, Шораҳим Шоумаров, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз, Толмасов, Шерозий, Сафо Муғанний, Чокарий, Ҳамза, Назирхон аяларни тўплаб мақом кечаларини ўтказди. Менга эса улардан мақом санъатини ўрганишим кераклигини айтди.

Бир йил ичида кўп нарсани ўргандим.

Мақом санъатини эгаллаш жараёнидаги бир воқеа эсимда. Ҳожи Абдулазиз яхши, зўр билган битта катта авжни мен ҳам ўрганмоқчи бўлдим. Аммо у киши менга ўргатмадилар. Озгина кўнглим чўкди. Кейин билсам бунинг бошқа сабаби бор экан. Бу авжни Ҳожи шахсан Файзулла Хўжаевга бағишлаган бўлиб, ўзи унинг олдида айтишни ният қилган экан. Шу-шу ул зотнинг ўзиям мен англаб ўрганмаган мақом бўлиб кетди...

Хотираларни санъатшунослик номзоди Чаман НОСИРОВА ёзиб олди.

Илғор тажриба шарофати

ҲАРИР

Истиқлол ва ислоҳот шарофати туфайли кейинги йилларда деҳқончиликда илғор усуллар қўлланилмоқда. Деҳқон эркин ишлашга ўрганяпти, интилиш, изланиш кучаймоқда. Андижонлик пахтакорлар бу борада анча илдамлик кўрсатдилар. Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, шижоатли меҳнат натижасида ўтган йили пахта топшириш режаси мамлакатда биринчи бўлиб бажарилди. Кўкламнинг ғанимат кунларидан унумли фойдаланиш, чигитни барвақт экиш, ниҳоллар парваришини жойига қўйиш мўл ҳосил етиштириш замини бўлди. Барча бир тану бир жон бўлгани боис ҳосил қисқа муддатда саранжомланди.

Андижонлик миришкор деҳқонлар ўтган йили пахтачиликда ўзига хос илғор тажрибани қўлладилар. Қатор хўжаликларда бир неча гектар ерга чигит плёнка остига экилди. Деҳқонлару мутахассислар дадиллик билан янгиликка меҳр қўйдилар. Олтин куз уларга омад келтирди. Янгиликнинг салмоғи аниқ кўринди. Эришилган натижалар кўпчиликнинг оғзига тушди.

Ўтган йили бир-иккита хўжаликда қўлланилган чигитни плёнка остига экиш усули бу йил Андижон вилоятининг кўплаб хўжаликларига ёйилди. Плёнка «либос»ли пахта пайкаллари 9 минг гектардан ошди.

Деҳқончиликнинг қолипи йўқ. Шунинг учун ҳам янгиликни бошлаб, яхши натижага эришиш осон эмас. Дадиллик, меҳнат, тажриба, ҳисобдонлик мужассамлашиши янгиликка қанот беради. Кўпинча кимдир тош санаганида қумни ҳисобдан ўтказишга тўғри келади. Избоскан туманидаги Шермат Юсупов номли жамоа хўжалигининг раиси Акрамжон Йўлдошев ўтган йили Аҳмаджон Мамажонов бошлиқ бригада аъзолари билан оралиқ экинидан бўшаган 4 гектар ерга 6 май куни чигитни плёнка остига экиб янгиликни бошладилар.

«ЛИБОС»ЛИ

— Қандай бўларкин, деб қўл қовуштирмадик, — дейди Акрамжон Йўлдошев. — Бригада даласидан қадамимизни узмадик. Илғор тажрибанинг сир-асрорларини қунт билан ўрганишга эътибор бердик. Ҳар гектар ерда 141 минг тупдан кўчат ўстирилди.

Жамоа хўжалигининг раиси аввало янгиликка ўзи ишонди. Бошқаларда ҳам умид уйғотди. Гектаридан 43 центнердан ҳосил олинди! Ёки жамоа хўжалиги бўйича бир гектар очиқ ердан олинган пахта ҳосилидан 8 центнер кўп хирмон кўтарилди.

Ўтган йили орттирилган тажриба жамоа хўжалиги пахтакорларига бу йил ҳам қўл келди. Кўкламда 373 гектар ерга чигит плёнка остига қўшқаторлаб экилди.

— Баъзилар қўшқатор экилганда ғўзалар бир-бирига киришиб, яхши ҳосил ололмайди дейишади. Биз пахтанинг «С6532» навли чигитини танлаганмиз, — деди жамоа хўжалиги раиси. — Бу нав ғўза 4-тип тола беради. Экин пояси баъзилар ўйлаганидек киришиб кетмай бинойидек ўсади.

«Қўшқатор ғўзаларга минерал ўғит икки ҳисса солинади» деган гап ҳам бор. Йўқ, аксинча ўсимликларнинг ўғитни ўзлаштириши самаралироқ бўлади.



ДАЛАЛАР

— Чигитни плёнка остига экиш усулининг қатор устун томонлари бор, — деб суҳбатга қўшилди «Агрохимсервиз» Избоскан туман ҳиссадорлик бирлашмасининг бошлиғи Шуҳрат ака Абдуваҳобов. — Плёнка ости ҳароратли бўлгани учун ниҳолларни илдиз қурти зарарлай олмайди. Бақувват тана анча-мунча ҳашароту касалликларга йўл бермайди. Демак, бу пайтда кимёвий ишловга эҳтиёж қолмайди.

Эртакилик ҳисобига ғўзаларнинг отаниш даври иссиқ пайтга тўғри келяпти. Бу мўл ҳосил тўпланишида алоҳида аҳамиятли.

— Чигит плёнка остига экилган далалардаги ғўзанинг ҳозирги ҳолатига қараганда пахта 20—25 кун илгари пишади, — дейди Избоскан тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Сайдулло Бегалиев. — Ҳосил илиқ кунларда йиғиштирилади. Буғдой барвақт экилади.

Далаларга назар ташлаганда анъанавий усулда чигит экилган пайкал ғўзалари билан янгилик қўлланилган майдондаги ғўзаларнинг ривожидаги фарқ бир қарашдаёқ сезилади. Чигитни плёнка остига экиш эвазига экин ривожи тезлашгани аён бўлади.

Бир гектарни эплаган деҳқон янгиликнинг амалга ошиши натижасида бир неча гектарда бемалол пахта ҳосили етиштиради. Ишчи кучини бошқа фойдали меҳнатга жалб этиш имкони вужудга келади.

Янгиликни қўллаш туфайли вилоятнинг шимолий маскани ҳисобланган Қўрғонтепа тумани далаларида ҳам Асака, Избоскан, Олтинкўл, Шаҳрихон туманларидагидек эртаки, мўл, сифатли пахта етиштиришга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Андижонда бўлганида Ўзбекистон шароитида пахтани октябрь ойидан қолдирмасдан териб олиш, шундан сўнг октябрь ойининг ўзида ғалла-ни экиб тамомлаш кераклиги ҳақида тўхталганди. Чигитни плёнка остига экиш эртаки, мўл, сифатли ҳосил етиштириш тажрибаси юртбошимизнинг айтганларига андижонлик пахта усталарининг амалий жавоби бўлмоқда!

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: 1. Шаҳрихон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи А. Давронов. 2. Жалолқудуқ туманидаги «Бештол» жамоа хўжалиги изжарачиси Ғ. Ҳолматов, бригада бошлиғи Ҳ. Абдуғаффоров, хўжалик бошқаруви раиси М. Иминов. 3. Шу хўжалик механиги Ҳ. Ҳолматов ва комбайнчи М. Охунжонов.

Ҳ. АРАББОЕВ олган суратлар.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ҳаво совиганда

• *Жанубий ярим шарга қиш фаслининг кириб келиши муносабати билан бошланган кучли совуқ Аргентинада 7 нафар кишини ҳаётдан олиб кетишга улгурди.*

Об-ҳавонинг кескин совуши, айниқса, Буэнос-Айресда кўпроқ кузатилмоқда.

Совуқдан сақланиш учун машҳур сайёҳлик марказ — Барлиоча аҳолиси ёқиш учун шаҳардаги ва унинг атрофидаги дарахтларни кесишни бошлади.

Аргентина марказида жойлашган ва йилнинг 9 ойида ёз ҳукмрон бўладиган Парана шаҳрида ҳам совуқ натижасида бир неча киши ҳаётдан кўз юмди.

Испанияга ташриф

• ***Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминь Испанияга ташриф буюрди.***

Ушбу ташрифдан кўзда тутилган асосий мақсад икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришдир.

Ц. Цзэминга Хитой иқтисодиёт, молия ва саноат вазирликлари ва маҳкамалари ҳамда мамлакатнинг ишбилармон доиралари вакиллари ҳамроҳлик қилмоқда.

Сафар кечиктирилди

• *Хитой ҳукумати Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар федерал вазири Клаус Кинкелнинг шу йил 11-14 июлга белгиланган ХХРга ташрифини кейинга суришга қарор қилди.*

ХХР Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг маълум қилишича, бу қарор Германия Бундестагида қабул қилинган «Тибетда инсон ҳуқуқлари ҳолатини яхшилаш» тўғрисидаги резолюцияга жавоб тариқасида қабул қилинган.

Ушбу резолюцияни Хитой «Халқаро ҳуқуқ маромларини очиқдан-очиқ бузиш ва Хитойнинг ички ишларига қўпол равишда аралашиш» дея баҳолади.

Муаммолар съездда ҳал этилади

• ***Босния Серблари Республикаси ташқи ишлар вазири А. Буха Босния серблари етакчиси Р. Каражичнинг яқин кунларда истеъфо беришга чоғланаётгани ҳақида оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарни рад этди. Шунингдек, у шу йилнинг 14 сентябрида Босния ва Герцеговинада бўлиб ўтадиган сайловларга қадар Р. Каражичнинг Сербия Президенти вазифасини бажариши мумкинлигини ҳам инкор қилди.***

А. Буха бўлажак сайловларга тааллуқли барча муаммолар Сербия Республикасининг етакчи партияси — Серб демократик партиясининг шу ой охирида бўлажак съездида ҳал этилажагини маълум қилди.

Гавелнинг айтганлари

• *Чехия Президенти В. Гавел мамлакат радиоси орқали чиқишида Россиядаги ислоҳотларнинг бутунлай амалга ошишига ва мамлакатда демократиянинг тараққий этишига Борис Ельцин тўла кафолат бўлади, дея фикр билдирди.*

Шунингдек, у Россия Федерацияси Президентлигига даъвогарлар ичида Борис Ельцин энг оммавий сиёсатчи экани намоён бўлаётганини айтди.

Хусусийлаштириш бошланди

• ***Озарбойжон пойтахтида илк бора 4 та магазин ва 2 та савдо шохобчаси хусусийлаштирилди. Ушбу объектларнинг ҳар бири ким ошди савдоси орқали ўртача 9490 АҚШ долларига сотилди.***

Озарбойжон давлат мулк қўмитаси маълумотларига кўра, шу йилнинг охиригача 16 мингта магазинни сотиш режалаштирилган.

Клинтоннинг имконияти юқори

• *АҚШ фуқаролари ўртасида ўтказилган умумий сўров натижалари мамлакатнинг айни вақтдаги Президенти Билл Клинтон тарафдорлари бўлажак президентлик сайловидаги унинг асосий республикачи-рақиби — Боб Доулникига қараганда кўпроқ эканидан далолат бермоқда.*

Эй-Би-Си телекомпанияси ва «Вашингтон Пост» газетаси ҳамкорликда ўтказган тадқиқот натижаларидан шу ҳол кузатилдики, агар айни дақиқаларда АҚШда президентлик сайловлари ўтказилганида, Клинтон 55 фоиз, Доул эса 35 фоиз овоз олган бўлар эди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Европа футбол чемпионати

«30 ЙИЛ КУТДИК, ЯНА КЎТАМИЗ»

• ***Эртага Лондонда Европа футбол чемпионатининг финал учрашуви бўлади.***

Бу сафарги чемпионат майдон эгаларига қимматга тушди. Англия футболчиларининг ярим финалда Германия жамоасидан енгилиши ишқибозларга кўп алам ўтказди. Ўзларини босиб олган ишқибозлар: «Чемпионликни 30 йил кутдик, яна кутамиз» маъносида қўшиқ куйладилар. Сабр косаси тўлганлар эса тўс-тўполон кўтариб, анча маломат келтирдилар. Начора, буни футбол дейдилар. Ҳеч ким Чехия футболчиларини финалга чиқади, деб тахмин қилмаганди. Улар Франция футболчилари билан учрашувда ҳужумкорлик билан ҳимояни ўрнига қўйдилар. Икки соат давомида дарвозалар дахлсиз қолган бўлса-да, миллионлаб ишқибозлар фақат ҳайратдан завқландилар. Ўйин тақдирини эса бештадан тепилган 11 метрли жарима тўплари ҳам ҳал қилмади. Кейин тўпни ким киритгунча таҳлитда тепиш бошланди. Шунда Франция дарвозасининг қўриқчиси янглишиб, чех тўпурари зарби билан ғолиб аниқланди.

Шундай қилиб, эртага чемпионлик учун курашда Германия ва Чехия футболчилари майдонга тушадиган бўлишди. Маълумки, немис футболчилари 1972 йили Бельгияда чемпион бўлишган. Чехлар эса орадан тўрт йил ўтгач, Югославияда ғолибликни қўлга киритишган. Шунингдек, Германия жамоасида иккита кумуш, чехларда битта бронза медали бор. Финалчиларнинг қайси бирига иккинчи марта Оврўпо чемпиони номи насиб этишини эртага биламиз.

НАМАНГАН ШАҲРИГА БОРСАМ...

Пойтахт шаҳар Тошкентдан сўнг мамлакатимиз вилоятлари бўйлаб сафар Фарғона водийсининг шимолий қисми — Намангандан бошланди. Водийни йўл-йўлакай кўриб бориш ниятида Тошкент-Андижон поездига тушдим. Сафарда қилиниши лозим ишларни ўйлаб, кўзим уйқуга кетибди. Эрталаб соат бешларда Наманган тупроғига кириб бордик. Тонг оқариб, ҳар икки томондаги бу йилги ризқу рўзимиздан дарак берувчи пишиб етилган олтин бошоқлар, ўрикзору ёнғоқзорлар, тераксзору гул-чаманзорларнинг ёқимли ҳиди димоққа уради. Бу гуллар диёрига кириб келаётганимиздан нишона эди.

Поп, Чуст, Оқтош... Бораётиб, ўнг томонимиздаги кенг буғдойзорнинг чеккарағида қатор ўрнатилган симёғочлар устида макон қуриб олган яйлов маликалари бўлмиш жуфт-жуфт лайлакларга нигоҳим тушди. Наманганнинг ўзига хос такрорланмас табиати мана шундан бошлаб бир-бир намоён бўла борди.

Поезддан тушганим ҳамоно, йўл-йўлакай «бир суҳбат» бахонасида орттирган танишим — наманганлик врач йигит — Баҳодиржон, ўз хизмат машинасида мени вилоят ҳокимлиги биноси олдига етказиб қўйди. У ерда масъул ходим Шавкатжон Соибназаровичга учрашдим. Бир зумда касбдошим Маҳмуджон Парпиев ҳам етиб келди. Мезбонларнинг руҳияти баланд, чеҳраларида байрамона чирой. Боисини суриштириб улгурмасимданоқ, Маҳмуджоннинг ўзи:

— Ака, қадамингиз қутлуғ экан. Ризқ-рўз яратувчиларимиз ўрим-йиғимни бошлаб юбордилар. Пиллакорларимиз иши ҳам авж палласида. Бугунги кунда вилоятимизда 80 минг гектардан зиёд майдонда олтин бошоқлар пишиб етилди. Чортоқ, Уйчи, Наманган, Мингбулоқ ва бошқа туманлар хўжаликларида пишиб етилган галлазорларда комбайнлар юқори унум билан ишлатилмоқда. Арпадан бўшаган майдонлар эса пешма-пеш ҳайдалиб, такрорий экинлар экилмоқда. Энди ўзингиз ушбу воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Ҳамроҳим бир пиёла чой атрофида вилоятда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган кўламдор ишлар тўғрисида тўлиб-тошиб гапириб берди. Унинг сўзларидан илҳомланиб ушбу сатрлар оққа тушди:

Қизғин суръати билан жўшқин-чандон шу кунлар,
Меҳнат завқи юракда-диллар хандон шу кунлар.
Ҳар они тенг йилларга васфи достон шу кунлар,
Иш кўзини билганга хазина-кон шу кунлар...

Вилоятда бултур қишлоқ хўжалигида пахта, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш олдинги йилларга нисбатан сезиларли ўсди. Дон мустақиллигига эришиш мақсадида қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли гектаридан 38,4 центнердан дон етиштирилди. Жами етиштирилган дон салмоғи 1994 йилга нисбатан, 55,6 фоизга кўп бўлди. 1996 йилда галла экинлари жойлаштирилган барча майдондан камида 320 минг тонна дон олиш ва бу билан вилоят ички эҳтиёжларини қондиришга эришиш бош мақсад қилиб қўйилган...

Вилоятда ўтган йили элликта қўшма корхоналар рўйхатдан ўтказилган бўлиб, улар томонидан 28 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизмат кўрсатилди. Жорий йилда эса шундай корхоналар сони 54 тага етди. Улар Англия, Германия, Болгария, Туркия, Покистон, Хитой сингари иқтисодий ривожланган мамлакатлар ҳамкорлигида ташкил этилади ва буларнинг ҳисобига вилоятга жалб этиладиган хорижий инвестициялар миқдори кескин кўпайиши режалаштирилган.

«АСНАМТЕКСТИЛ»ДА БИР НАФАС СУҲБАТ

Мен ҳамкасбимдан, гапларининг исботи учун, дастлаб шаҳардаги йирик корхоналардан бирига олиб боришни илтимос қилдим. Шу куниёқ биз Туркия — Ўзбекистон ҳамкорлигида бунёд этилган «АСНАМТЕКСТИЛ» қўшма корхонасида бўлиб, унинг жамоаси иши билан танишдик. Корхона 1995 йил ноябрда иш бошлаган. Туркиянинг йирик «Астоп» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган бу қўшма корхона 400 нафарга яқин кишини иш билан таъминлаган.

— Корхонада тўртта бригада тўхтовсиз уч сменада ишлаб турибди, — дейди бош директор Тўрашхон Жўраев биз билан суҳбатда. — Бир кеча-кундузда ишлаб чиқарилаётган 6,5 тонна дунё андозаларига монанд маҳсулотларни наманганлик йигит-қизларнинг ўзи тайёрлашмоқда. Улар кучи билан шу кунга қадар минг тоннага яқин сифатли, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилди. Дастлабки маҳсулотлар ўз харидорини топяпти. Айниқса, Туркиянинг «Астоп» фирмаси Наманган маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқди. Демакки, «Аснамтекстил»ни бугунги кунда дунё таниб боряпти.

«ЧОР ТАХТ» РИВОЯТИ

Чортоқ тумани вилоятнинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, умумий майдони 359 квадрат километрни ташкил қилади. Аҳолиси 130 мингдан ортиқ. Туманда тўққизта қишлоқ, 12 та жамоа хўжалиги мавжуд. Туман сабзавот, мева, узум сотиш бўйича вилоятда салмоқли ўринга эга. Чортоқ тумани ва шаҳридаги 15 дан ортиқ саноат корхоналарида эллик турдан зиёд саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади.

Наманган сафаридаги ўтган икки кунимнинг иккала оқшоми «Чортоқ» сиҳатгоҳида кечди. Сатўйиб, шифобахш сувидан ичиб дардларига малҳам топяпти. Мен бу жойда хоразмлик фермер Ҳожи отани тасодифан учратиб қолдим. Ота оиласи билан шифо топгани шу ерга келибди. У ушбу шифо масканига катта баҳо берди. Халқ саломатлигини ўйлаб ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан, бундай сиҳатгоҳларни очиб, ишлатиб, даволаниш, дам олиш учун барча имкониятларни яратиб берган республика ҳукумати, хусусан, юртбошимиз номига илиқ сўзларни айтди.

Сафарнома

2. ИМОНИМ, ВИЖДОНИМ, ДОСТОНИМ — ШУ ВАТАН

Наманганнинг шаҳарчасидаги Муродилла Холдоров деган одамшаванда, хушбаиат инсон билан ошно бўлдим. У Чортоқ тарихи ҳақида шундай ҳикоя қилади: эмишки, қадим замонда бир подшоҳ ўтган. У бир куни саёҳат қилиб энг хушманзара маконга дуч келибди. Табиати, ҳавоси, сувлари, кишилари унга ёқиб қолибди. Шунда у ҳаммани оёққа турғазиб, қишлоқнинг кунчиқар томонига иккита, кунботар томонига ҳам иккита тупроқдан тоғ уйдириб устига тўртта тахт қурдирибди. Тепаликлар шундай ҳашаматли қурилган эканки, тагига одам бориб қараса, дўпписи тушиб кетар экан. Подшоҳ тахтлар битгач, арзанда қизларини олдириб келиб, тўртовини тўртта тахтга ўтқазиб қўйибди. Қизлари бир-бировлари билан борди-келди қилишлари учун ер ости ва ер устидан уларга йўл солдириб берибди. Тўрт тоғни бир-бири билан боғловчи йўллар шундан қолган эмиш. Жойнинг номи эса Чортоқ, яъни «Чор тахт» деб аталадиган бўлибди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган 600 нафардан зиёд киши ушбу жаннатмакон сиҳатгоҳга келиб, унинг тоза ҳавосидан ўтганлар хотирасига бағишлаб қуръон тиловат қилдик. Эллик гектар ҳудудга ястаниб ётган Бобораҳим Машраб номидаги миллий маданият ва истироҳат боғи шоир хотирасига янги ташкил қилинган. Боғнинг кираверишида шоир шаънини улуғлаб бунёд этилган маҳобатли ҳайкалга кўзингиз тушади. Унинг ёнгинасида оташнафас ғазал устаси музейи барпо қилинган. Шунингдек, боғда Машраб қадами етган Хитой, Эрон, Афғонистон, Самарқанд, Бухоро каби мамлакат ва шаҳарлар услубида рамзий маънодаги иморатлар тикланган. Ушбу биноларга қадам қўйган киши хаёлан ўша мамлакатларни кезиб чиққандай бўлади.

Хуллас, тарихимизни тиклаш, маънавиятимизни улуғлаш, қадимий анъаналаримизни давом эттириш борасида вилоятда қилинаётган ишларнинг бир қисми билан танишиш имкониятига эга бўлганимдан беҳад хурсандман. Мустақиллигимиз шарофати, вилоят халқининг ёрқин истиқболига бўлган ишончини, кўтаринки кайфиятини кўриб, водий маликаси ғўзал Наманганга қарата, машрабона:

Бай-бай, на ажойиб,
на ғаройиб, на аломат,
Ҳай-ҳай қучоғинг бунча ғўзал,
жонима роҳат.

Буғдой-у ипак, нефть конинг
тилла баробар,
Оҳ-оҳ, анго Эрк берди ривож,
кетди асорат.

Олмаю гилос, нуқра бодом
жойимусен ё?
Ҳой-ҳой, бу қадар қанду асал
сенда зироат!

Кўнгли очилур Қурбоннинг
тўти такаллум —
Халқинг била, ширин сухан,
бўл соғу саломат,

дея куйлагинг келади, беихтиёр.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Навбат — Андижон вилоятига.

UZBEKISTON OVOZI TIMES

№ 5 • June 29, 1996 • Saturday

PRESIDENT KARIMOV'S VISIT TO THE UNITED STATES

After the visit to Italy, the Uzbek delegation, headed by President Islam Karimov, went on to the United States. The delegation was met by U.S. Senior Coordinator for the CIS,Ambassador James Collins,U.S. Ambassador to Uzbekistan, Stanly Escudero and other officials at Andrews Air Force base near Washington. On Monday, he met with the President of the Overseas Private Investment Corporation, Ruth Harkin, and the heads of large American companies. Protocols on cooperation were signed between the National "Uzbek Oil and Gas Corporation," OPIC and the "Enron" company as well as between OPIC, "Uzbek Oil and Gas" and "Texaco" companies. A Memorandum of Understanding was signed between the National Bank of Uzbekistan and the Bank of America. The Association of Bankers of Uzbekistan, the Ministry for Foreign Economic Relations, the U.S. companies and the TDA also reached agreement on protocols and memorandums. On the same day, President Karimov met with CIA Director, J. Deutch, Assistant Secretary of State, Strobe Talbott, Energy Secretary, Hazel O'Leary, and Treasury Secretary, Robert Rubin. In the evening, the American-Uzbek Chamber of Commerce hosted a reception in honor of President Karimov. White House Press Secretary, Mike McCurry, said that U.S. President Bill Clinton will meet with President Karimov in Washington, DC June 25.

***

President Islam Karimov ended his visit to Washington Wednesday full of schedule of meetings, speeches and signing ceremonies. President Karimov and aTennessee management-engineering company signed a one -billion-dollar energy deal which will convert Uzbekistan Government vehicles to using natural gas. Mr. Karimov began his day at Pentagon and was greeted by Secretary of Defense William Perry. They spoke to reporters.Mr.Perry said that Uzbekistan is a very important strategic partner of the United States. President Karimov said that Uzbekistan will be actively involved in the "Partnership for Peace" program and will take part in a military exercise that will be held in the United States in August of this year under the aegis of the Central Asian peace- keeping battalion. President Karimov also spoke the National Press Club before departing for Houston, Texas and Denver, Colorado.

ISLAM KARIMOV MEETS BILL CLINTON

WASHINGTON, June 26. (by UzA's special correspondent Amirkul Karim)

President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov met with U.S. President Bill Clinton at White House yesterday.

At the meeting, which became an important event in the history of Uzbek-American relations, an exchange of opinions about developing relations between two countries, widening legal basis for cooperation, strenghtening stability and security in Central Asia took place.

During the talks Bill Clinton stressed that he is a supporter for widening relations between the U.S.A. and Uzbekistan which occupies a leading place in Central Asia.

Here, at White House, Islam Karimov had a talk with U.S. National Security Council Chairman E. Lake.

As it is known, the development of inter-parlamentary contacts have a great importance for strenghtening relations between countries. An exchange of opinions about the subject was held during a talk of the Uzbekistan's leader with representatives of U.S. Senate Committee on Foreign Relations, as well as with those of U.S Congress House of Representatives Committee on Foreign Relations. The Central-Asian-American Fund for supporting enterpreneurship renders a great help to promote business undertakings in Uzbekistan. At his residence, Islam Karimov received the Chairman of this Fund, S. Solarz.

On, the same day President Islam Karimov met the World Bank President Dj. Wulfenson at the Bank's residence.

During the Uzbekistan leader's visit to the U.S.A. one more pleasing event took place. In the heart of Washington, on Massachusetts Avenue a ceremony of the opening of a new building of Uzbekistan's Embassy in the U.S.A. was held. President Karimov noted that a new epoch has begun in the development of relations between the two countries. He expressed assurance that Uzbekistan's embassy would make a worthy contribution to strenghten frendship and cooperation between the peoples of Uzbekistan and America.

Many representatives of U.S. official circles participated in the ceremony of opening of the new embassy building. Among them were ambassador James Collins, the U.S. Energy Minister, J. O'Leery, as well as U.S. ambassador extraordinary and plenipotentiary in Uzbekistan Stanly Escudero and others.

Uzbekistan President's state advisers S. Safaev, V. Golishev, Deputy Prime Ministers of Uzbekistan B. Khamidov, K. Khakkulov, Minister of Foreign Affairs A. Komilov, Uzbekistan ambassador extraordinary and plenipotentiary in the U.S.A. F. Teshabaev also took part at this ceremony. The visit of the Uzbekistan's President is continuing.

PRESIDENT KARIMOV IN HOUSTON

Houston, Texas state, June 26. Special correspondent of UzA Amirkul Karim informing from USA.

President Karimov arrived in Houston June 26 from Washington.

The delegation headed by Mr. Karimov met by the head of Houston with hospitality. In airport Pres. Karimov pointed out that he visited USA with the aim of strengthening the partnership and friendship between two countries. Houston the forth state in USA for popilation. President Karimov met with mare of Houston Mr. Lanier. Both sides support the developing of American - Uzbek relations on economical and other networks. That day in conference hall of "Houstonian" hotel was held a conference on the theme "The potentials of Uzbekistan in oil and gas spheres". And Mr. Karimov did a speech before the businessmen and employers of Texas state. He talked about the conditions created in Uzbekistan for businessmen. Signed some documents between the "Uzbek Oil and Gas" national corporation and American companies. After lunch, Islam Karimov met with the president of " ABB" company P. BARNAVICK in "FOR SEASONS" hotel.

интилган Назр Муҳаммадхон, шайбонийлар, айниқса Абдуллахон II замонидан бери таомилга кириб келган валиаҳдлик вилоятини йўқ қилиш бўлмаганмикан? Чунки валиаҳд қароргоҳига айланган Балх вилояти икки жиҳатдан марказни заифлаштириб қўйиши мумкин эди. Биринчидан, айтилганидек, бу ерда катта сиёсий ва иқтисодий қудрат мужассамлашган эди ва унга суянган ҳолда ҳар ким, хусусан, валиаҳд мамлакатни бошбошдоқлик йўлига бошлаши ҳеч гап эмасди. Иккинчидан, кўрилаётган даврда мамлакатнинг чекка, яъни доимий рақиблар Эрон ва Ҳиндистон билан чегарадош қисми сифатида, у ёки бу томонга оғиши, ё бўлмаса алоҳидаликка интилиши билан ўлка яхлитлигига заволи бўлиши мумкин эди. (Кейинчалик шундай бўлди ҳам). Хуллас, Назр Муҳаммадхон, ҳақиқатан ҳам, биз ўйлаганчалик, ақлли сиёсатчи бўлса, шулар ҳақида ўйлаб иш тутгандир эҳтимол. Аммо у бир нимада адашди: ички муносабатларни ўрнига қўя олмади, Имомқулихон даврида мавқеини анча кўтариб олган йирик амирлар, маҳаллий ҳокимлар тилини тополмади.

Шундай қилиб, 1645 йилдан бошлаб мамлакатда икки ҳокимиятчилик ҳукмфармон бўлган. Балхни бошқарган Назр Муҳаммадхон олий тахтни қайтариб олиш илинжида кўзига ҳеч нарса кўринмай, ёрдам сўраб бобурийларга мурожаат қилади. Бобурийлар эса пайтдан фойдаланиб қўшин тортиб келиб икки йил давомида (1646-1647) Балх ва Бадахшонда ҳукмронлик қиладилар. Алданган Назр Муҳаммадхон Эронга юзланади. Абдулазизхонга келсак, 1646 йил бошида у Туркистон (Ясси) ва Сайрамга ҳужум килган қалмоқларни бартараф этиш билан машғул бўлиб, фақат шу йил кузидагина Бухоро қўшини ҳамда қозоқ ва қорақалпоқ қавмлари лашкари билан Балхга йўл олади. Манбаларда мазкур ҳарбий юриш, Абдулазизхоннинг шимолдан, назр Муҳаммадхоннинг ғарбдан Балх учун.бобурийларга қарши курашлари тафсилотлари кенг берилган. Хуллас 1647 йил октябрида бобурийлар лашкари Балхни тарк этишга мажбур бўлади. Балх яна Назр Муҳаммадхонга насиб этади. Абдулазизхон эса Балхга олдинроқ кирган Назр Муҳаммадхонга қарши бирон чора кўролмай орқага қайтиб кетади.

Кўрдингиз Абдулазизхон мавқеи дастлаб айтарлик мустаҳкам бўлмаган. Манбаларда қатто унга қарши икки марта фитна уюштирилгани ҳақидаям гувоҳликлар бор. Чунончи, Абдулазизхондан норози гуруҳлар Бухоро тахтига аввал аштархонийлардан бўлмиш Суфи султонни, кейинги сафар эса хоннинг укаси Субҳонқули султонни ўтказмоқчи бўладилар. Икки сафар ҳам фитна очилиб, Суфи султон қатл қилинади, Субҳонқули султон эса Балхга, отаси олдига қочади. Шу баҳона у Балх вилоятида ўрнашиб олиб, 1651 йили Балх тахтини отасидан тортиб ҳам олади. Давлат ишларидан қўлини ювиб ҳажга отланган Назр Муҳаммадхон шу йил ёзнинг ўрталарида Симнон (Эрон) шаҳрида вафот этади.

Абдулазизхон Балхни пойтахт ихтиёрига ўтказишга бир неча марта (1655, 1657 йиллари) ҳаракат қилса-да, аммо Субҳонқули султон ҳам бўш келмай, деярли Бухородан мустақил тарзда даврон сурган. 1658 йили Абдулазизхоннинг пири Абдулғаффорхожа воситачилигида Бухоро ва Балх ўртасида тинчликка эришилиб, Субҳонқули султон акаси ҳокимиятини тан олса-да (Балхда Абдулазизхон номидан хутба ўқилган), лекин 1681 йилга қадар ҳам Балх амалдаги мустақиллигини сақлаб қолган.

1681 йили эса мадордан қолган Абдулазизхон тахтни укаси ва валиаҳд Субҳонқули султонга топшириб ҳажга жўнайди. Субҳонқулихон (1681—1702) ҳам мамлакатни узоқ бошқарган бўлса-да, аммо мазкур йигирма йил давомида у ҳам Балх «масаласи» билан шуғулланишга мажбур бўлган. У Балхга бир неча маротаба ўз ўғилларини тайинлаган ва бир неча маротаба фитна уюштирилиб, шаҳзодалар қурбон бўлган. (1683 йили Искандар султон, 1684 йили Ибодулло султон Абулмансур султон, 1685 йили Сиддиқ Муҳаммад султон, 1707 йили Муҳаммад Муқим султон). Бу ҳолат марказий ҳокимиятнинг Балхдаги ўрни ниҳоятда заифлашиб кетганидан ва маҳаллий сиёсий кучларнинг, хусусан йирик амирларнинг нуфузи ошиб бораётганидан далолат берарди. Бунинг исботини шундан ҳам билса бўладики, 1688-1697 йиллар давомида Балх ҳукумати йирик амирлардан Маҳмудбий ихтиёрида мужассамлашган.

Мамлакат ғарбида ҳам нотинчлик бўлиб турган. Чунончи хоразмлик Анушахон (1664-1687) мамлакат ичкарисига ҳамлалар уюштириб, талончилик билан шуғулланган. Масалан, 1684 йили ёзида у ҳатто Самарқандни эгаллаб олиб, бу ерда ўз номидан хутба ҳам ўқитган ва фақат келаси йил кеч кузидагина Субҳонқулихон уни бартараф эта олган. Шунга қарамай Анушахоннинг вориси Эренг (Арнак) 1687 йили яна мамлакат ичкарисига юриш қилади. Эндиги сафар Субҳонқулихон уни бартараф қилиш билан бирга хоразмлик амирлар ҳохишига кўра бу вилоятга ўз ноибини тайинлайди. Шу тариқа Хоразмда яна Бухоро ҳокимияти қарор топади.

Мамлакатдаги ички зиддиятлар кейинги аштархоний ҳукмдор Убайдуллахон (1702—1711) даврида янада кучайган. Йирик амирлар ва маҳаллий ҳокимлар обрўси янада кучайиб борган. Мамлакатдаги энг асосий вилоятлар ва шаҳарларда сулола намояндалари эмас, тобора қудратга тўлиб келаётган амирлар ҳукмронлик қиларди. Масалан, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Ўратепа, Ҳисор, Балх (1707 йилдан бошлаб) ва бошқалар. Бу ҳол ўз-ўзидан расмий сулола учун жойларни назоратда тутиш имконини кескин камайтирарди. Хуллас, 1711 йили Убайдуллахон ҳам суиқасд қурбони бўлади. Убайдуллахон тарихини ёзган ўша замон тарихчисининг гувоҳлик беришича, олий ҳукмдорнинг ўзбекларнинг сиёсати туфайли саройдаги бир гуруҳ кишилар давлат ишларини қўлга олиб, зулм йўлига ўтадилар. Убайдуллахон билиб турса ҳам индамаган. Шунда амирлар ва лашкарнинг унга нисбатан эътибори сусайиб, мамлакатда сиёсий суиқасд учун вазият етилиб қолган.

Хуллас, Убайдуллахон фожиасини нафақат у йўл қўйган хатолар, шу билан бирга кейинги ўн йилликларда кучайиб келаётган маҳаллий кучлар ҳамда йирик амирлар фаолияти билан ҳам тушунтирмок керак. Бироқ нима бўлганда ҳам марказий ҳокимият йилдан-йилга ниҳоятда заифлашиб борарди. Бундай аҳвол амалдаги сўнгги аштархоний ҳукмдор Абулфайзхон (1711—1747) замонида ҳам давом этган. Ва ўша бошбошдоқлик, маҳаллий кучлар ва нуфузли амирларнинг ўз манфаати йўлида интилишлари, уларни бартараф этишда Абулфайзхоннинг ожизлиги. Бу жараён шу даражада чуқурлашиб кетгандики, ҳатто 1736 йили, Эронда ҳукмронлик қила бошлаган янги сулола — Афшорийлар (1736—1748) намояндаси шаҳзода Ризоқули мамлакатга бостириб кирганда ҳам улар вақтинча қовушган бўлсалар-да; аммо душман чекиниши билан яна эски ҳолатларига қайтадилар. Бунинг оқибати эса маълум. 1740 йили Афшорийлар сардори Нодиршоҳ яна бир бор

бостириб келиб, Аштархонийлар қудратига сўнгги — қулатувчи зарбани беради. Гарчи Нодиршоҳ Абулфайзни ўз ўрнида — хонлик курсисида қолдирган бўлса-да, аммо амалда ҳокимият бошқа бир маҳаллий сулола — мангитлар намояндалари Муҳаммад Ҳакимбий ва унинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий ихтиёрига ўтади. Худди шу Муҳаммад Раҳимбий бўйруғи билан 1747 йили Абулфайзхон қатл қилиниб, хон сифатида ўғли Абдулмўмин султон деб эълон қилинади. Аммо амалдаги ҳокимият Муҳаммад Раҳимбий ихтиёрида қолаверади. Бир йил ўтиб Муҳаммад Раҳимбий бу қўғирчоқ хонни ҳам ўлдиртириб, ўрнига марҳумнинг укаси Убайдулла султонни ўтказиб тез орада уни ҳам йўқ қилади. Шу тариқа Аштархонийлар сулоласи фаолияти ҳам барҳам топади...

Аштархонийлар даври давлат бошқаруви тизими ҳақида нималар дейиш мумкин.

XVIII—XVIII аср биринчи ярми давлат бошқарувида бир нарса яққол кўзга ташланади: ҳокимият асосан бир идора — даргоҳда мужассамлашиб борган. Хоҳ марказий ҳокимият, хоҳ маҳаллий. Аниқ равишдаги даргоҳ ва ижроия (девонлар) тақсимотини биз бу замонда кўрмаймиз. Ҳар ҳолда биз билган манбалардан шундай хулоса қилиш мумкин. Аштархонийлар ҳукмронлик қилган йилларда ҳам нақиб, оталиқ, парвончи, додхоҳ, девонбеги, қушбегибоши, чуҳрабоши, мирохур, ясовул, қўрчи, ҳарбий муфтий, эшикоғобоши, мирзабоши, мунший, сарой кутубхонаси бошлиғи, дастурхончи каби хизматлар мавжуд бўлгани маълум. Шу билан бирга уларнинг баъзиларида сифат ўзгаришлари юз берганини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.

Чунончи, оталиқ вазифаси олдинги мақолада кўрсатилганидек, XVI асрда асосан жойлардаги бошқарув тизими билан боғлиқ бўлса, Аштархонийлар замонида, айниқса Абдулазизхондан бошлаб, оталикнинг марказдаги мавқеи кучайиб боради. Масалан, отасини Балхга қувгандан сўнг Абдулазизхон Бухоро тахтига чиққач, оталик вазифасини Ёлангтушбийга, яъни ўша пайтдаги энг забардаст амирга таклиф қилган. Оталиқ обрўси Субҳонқулихон даврида ҳам баланд бўлиб, энг муҳим ҳарбий ишлар (масалан, хоразмликларнинг Бухорога таҳдидини қайтариш, Хуросон юриши) оталикка юқлатилган. Бундай ҳолат Убайдуллахоннинг дастлабки ҳукмронлик йилларида ҳам сақланиб қолган. Энг му

Турмуш сўқмоқларида

ИЗТИРОБ

Гулруҳ кимдир елкасидан беозоргина қучганда япроқдек титраб кетди. Шитоб билан ўрнидан турди. Меҳриддин унинг қаршисида жилмайиб турарди. Нигоҳлар тўқнашганда қиз юзини ўгирди.

— Нимага яна келдингиз? Айтмовдимми...

Қизнинг ҳадик ва ҳаяжондан титраётганини кўрган йигит ҳижолатланди. Ўртадаги бир лаҳзали жимлик йилдек туюлди унга.

— Бунчалик чўчимасангиз, — йигит стол қаршисидаги ўриндиққа оҳистагина чўккан, Гулруҳнинг тим қора, пайваста қошлари, иболи кўзлари, муҳаббат оловидан қизарган юзларига боққанича сўзида давом этди. — Ахир, халоскоримни кўришга ҳаққим йўқми? Бунинг устига сизни жондан ортиқ кўраман-ку, ахир.

Қиз йигитга зимдан қарашга улгурди. Меҳриддин бу сўзларни астойдил айтар, Гулруҳсиз яшай олмаслиги аниқ эди.

— Буни қаранг, сал бўлмаса асосий нарсани унутаёздим, — йигит чўнтагидан кичкина қутичани олиб, қизнинг пешвозига чиқди. — Туғилган кунингиз билан табриклайман.

Қиз довдираб қолди. Чунки, умрида иккинчи бора совға олиши эди. Бундан уч йил илгари унга Соҳибжон ҳам узук совға қилганди. Ҳар хил ваъдалар бериб, охир-оқибатда ҳаётини остин-устун... «Қандай ўхшашлик! Ахир муҳаббат узук эмаски, ҳар бир дуч келган кишининг бармоғига тушаверса?! Гулруҳ кўзингни оч, бир бор адашганинг етар!»

— Меҳриддин ака, ололмайман, узр.

Қизнинг изтироб билан айтган бу сўзлари йигитни қалқитиб юборди.

— Нега энди? Ахир...

Хонага бўлим бошлиғи Раҳмиддин Раҳимович шошиб кириб келганда уларнинг суҳбати бўлинди.

— Гулруҳ, зудлик билан жарроҳлик хонасига ўтинг. Кўкчинордан бир йигитни олиб келишди, операция қилмасак бўлмайди!

Раҳмиддин ака шундай деди-ю, дарров ортига бурилди. Гулруҳ жарроҳнинг орқасидан югурди. Замбилдаги пешонаси қонга беланган, жингалак сочли йигитга нигоҳи тушгач, қиз бир зум қотиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, ҳаётини барбод қилган, уни алдаган Соҳибжон эди у. Йигит ҳушсиз ётар ундан ароқ ҳиди анқирди. Анча улғайган кўринади, лекин қош-кўзлари, чап юзидаги холи ўша-ўша, муғомбирлигидан дарак бергандек. Яна кимларни тузоғига илинтирган экан, бу номард. Эссиз обрў, эссиз йигитлик шаъни.

Операция давомида Гулруҳ Раҳмиддин Раҳимовичга айтганини тутқизса ҳам хаёли ўзида эмас. Жароҳатланган қалбига яна тиг теккандек азобда эди. Аллақачон муҳаббатини кўксидан юлиб ташлаган бўлса ҳам ўша «оловли» дамларни хаёлидан ирғита олмасди...

Ўшанда мактабни битирган чоғлари эди. Қишлоқда шаҳарлик таниқли рассомнинг кўргазмаси намойиш этилди. Гулруҳ азалдан мўъжизакор санъат шайдоси бўлгани учун кўргазмага ҳар куни борди. Борганда ҳам кўпроқ «севишганлар» манзараси олдида узоқ вақт туриб қолар, ўзини тасвирда акс эттирилган манзара қўйнида сезар, сеҳрли оламга киргандек ақли-ҳушини сезмасди. Шунда кимдир унинг сумкачаси боғичидан тортди.

— Салом, яхши қиз, — ўрта бўй, жингалак сочли, чап юзидаги холи ўзига ярашган йигитнинг бу каломи Гулруҳни ҳушёр торттирди. — Сизни ҳар куни кўраётганимдан ғоят бахтлиман.

Қишлоқ қизидаги уятчанлик, ҳаё ҳамма нарсадан устунлигини сезган йигит ўзини шу кўргазмада намойиш этилаётган асарлар муаллифи деб таништирди. Қизга у ҳар томонлама ёққанди...

Қўшни туманда йигитнинг «кўргазмаси» намойишидан ҳам Гулруҳ бахраманд бўлди. Хуллас, кўнгил экан, у йигитнинг тузоғига илинганини сезмай қолди. Унга ишонганидан йигит яшайдиган шаҳардаги тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. Уни кутди, келмади. Ўқиши тугади, ҳамшира бўлди, йигитдан дарак йўқ. Алданди, севгиси ўз кўксига ўқ бўлиб қадалди, битмас жароҳат олди. Дард-дунёси қоронғу бўлган кунларда ўз жонига қасд қилмоқчи ҳам бўлди. Хўш, бундан не фойда? Қачондир армонлари ушалишига, кимдир унга висол дарвозасини ланг очишига ишонарди. Лекин, ножўя иш қилиб қўйгани учун ўзини кечиролмасди. Шу боис ҳам ҳаёт риштасини бир-бирига боғлаш илинжида ҳамма нарсага шай, рози турган Меҳриддиннинг севгисини, совғасини қабул қилишга ботина олмасди.

— Хайрият, омон қолди, — жарроҳнинг жарангдор сўзи Гулруҳни хаёллар оламидан қайтарди. — Қўшни хонага ётқизинглар. Оила аъзоларига хабар қилинглар омонлигини.

Гулруҳ Меҳриддиннинг ёнига қайтганда ранги анча сўлғин эди. Бундан йигит ташвишга тушди.

— Нима, ўлдими? — сўради у.

— Йўқ, яшайди, яшаганда ҳам... Гулруҳ буёғини айта олмади. Бўғзига нимадир тиқилгандек бўлди. «Тақдирнинг жазоси бу. Бир умр аравачада юриш — алданиш азоби сингари мушкул эмасми? Ахир, рассом отасининг ўрнига ўзини боз-боз қилиб кўрсатиб, бир оқила қизнинг бахтига чанг солган, ҳаётни мол-давлат, айшу ишрат деб ўйлаганларнинг тақдири — тубсиз жар бўлиб чиқишини Соҳибжонга ўхшаганлар тушунишармиди?» Қизнинг хаёлидаги бу фикрдан Меҳриддин бехабар. Шу боис:

— Хўш, меҳмонларни кутиб оласизларми? — деди секингина.

Гулруҳ бугун совчилар келишини пайқаса ҳам индамади. Нима ҳам дерди, Меҳриддин унинг жароҳатланган қалбига малҳам бўла оладику! Нега уни итариб юборсин. Фақат қалбининг туб-тубида бурқсиб ёнаётган изтиробини, дардини унга ошкор қилиши керак. Ахир, Меҳриддин бетоблигида бошида нима учун тун бўйи ўтирди. Йигитни йўқлаб келадигани, фақат муштипар опаси бўлди-ку! Балким, Меҳриддин ҳам ўзи сингари алданганлардандир? Нима бўлганда ҳам йигит раъйини қайтармагани маъқул. Ахир ҳар кимнинг ўз бахти бор-ку?

Иккаласи тоза ҳавога чиқишди. Қизнинг маҳзун чеҳрасидаги мунг аста-секин йўқола борди. Қалбида бир илиқлик сезди. Бу изтиробларни ортда қолдирадиган муҳаббатнинг ўтли ҳарорати эди.

Даврон БАҲРОНОВ.

ДОВОН ОЛДИДА

Олий лига футбол жамоалари яна уч тур ўйинларидан кейин оралиқ маррага етиб, довон ошадилар.

Ҳар бир жамоа ана шу манзилга мавқеларини мустаҳкамлаган ҳолда етишга ҳаракат қилмоқда. 12-тур учрашувларидан кейин навбаҳорчилар 32 очко билан пешқадамликни мустаҳкамлашди. МҲСК жамоаси эса ўйиндан-ўйинга бўшашмоқда. Бу жамоа ўтган сафар «Янгиер»га имкониятни бой берганди. Бу гал «Нефтчи» майдонида (1:3) мағлубиятга учради. Оқибатда армиячилар 25 очко билан икки поғона пастга тушдилар. «Нурафшон» ва «Нефтчи» жамоаларида эса 26 тадан очко тўпланди. «Трактор» ва «Пахтакор» футболчиларида 19 тадан очко бор. Тур ўйинларида эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди:

«Нурафшон» — «Динамо» (С) — 1:0, «Динамо» (У) — «Наврўз» — 1:0, «Дўстлик» — «Сўғдиёна» — 1:0, «Навбаҳор»—АСК — 4:1, «Машъал»— «Янгиер» — 2:0, «Пахтакор» — «Косонсой» — 5:1, «Атласчи» — «Трактор» — 5:1. Навбатдаги тур ўйинлари эртага бошланади.

ТАШКИЛОТ

ЯНГИ «ГАЗ 3307» русумли юк ташиш машинасини ва «ТАРЗ 3275» автобусини

СОТАДИ

Ҳақ тўлаш шакли — пул ўтказиш, вексель йўли билан. Мавоза (мол айрибошлаш) ҳам мумкин.

Шунингдек, иш коржомалари ва қулқопларни, 250x150 см. ўлчамдаги чойшабларни ҳам

СОТАДИ

Мурожаат учун телефонлар: (3712) 96-39-92, 96-79-88.

ТАШКИЛОТ

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган А-76, А-80 автомобиль бензинлари ва дизель ёнилғиларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулида

СОТАДИ

ҳамда узоқ муддат сақлаб беришни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Нархлар арзон, шартнома асосида.

Улгуржи харидорлар учун нарх туширириб берилади.

Ёнилғини ташиш учун автомобиль хизмати кўрсатади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Боткин кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 67-44-60, 68-12-06.

КОРХОНА

пул ўтказиш йўли орқали БЗН ва БВ (1000x250, 800x250) маркали тегирмон вальцларини

СОТАДИ.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Маяковский кўчаси, 6-уй. (Тельман боғининг қаршиси). Телефонлар: 67-23-74 (тел/факс), 67-77-41.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Софи Лорен.
9.00 «Шоҳсанам». Хоразм қўғирчоқ театрининг спектакли.
9.50 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Заргар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Маънавият булоқлари». Таълим тизимидаги ислоҳотлар хусусида.
10.35 «Олтин занжир». Бадиий фильм.
12.00 «Фермер». Тележурнал.
12.30 Болалар учун. «Қувноқ ёз — ўтмоқда соз».
13.00 Лирик концерт.
13.30 «Анъана ва замон». Юрт маданияти.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Танаффус». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.45 «Бозор услублари: талаб ва таклиф».
19.10 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
21.25 «Етти иқлим ҳукмдори». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.00 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 1-қисм.
22.55 «Ғазалхон ёшлигим».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Нурафшон».
01.25 — 01.35 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб».
19.15 «Камертон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «Мусиқа, холос...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Прайм-тайм».
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.35 «Санта—Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.25 — 23.25 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Марказий Осиё ўйинлари». Телефильм.
*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 22.05
*

22.05 Эълонлар.
22.10 «Тропиканка сири». Телесериал.
*

Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.30
*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «Саломатлик — туман бойлиги».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Жаҳон янгиликлари». Халқаро шарҳ.
20.25 «Акциядор луғати».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Кинематограф».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Спорт—тайм».
22.05 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
22.35 «Етакчилар».
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Биржа ва банк хабарлари.
8.50 «Икки сохил». Бадиий фильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Соғломжон-полвонжон». Боғча болаларининг спорт ўйинлари.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Немис тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.
*
12.00 Тошкент педагогика билим юрти талабаларининг концерти.
12.30 «Буни умр дерлар». Телеочерк.
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ҳутиқчанинг хомушлик касалига чалингани». Мультфильм.
18.20 «Санъат ғунчалари». Концерт.
18.40 «Автоолам». Телелавҳа.
18.55 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Етакчи тармоқлар». Кристалл... олтин ва изланишлар.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий кафолати».
21.30 «Умр дафтарининг бир саҳифаси». Тилаш Ҳужамбердиев.
22.05 Н. Норқобилов. «Қуёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 2-қисм.
23.00 «Қишлоқ стадионларида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
00.30 — 00.40 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».
23.05 — 00.05 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хонатлас». Телефильм.
*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».
***

18.10 — 22.00
*

22.00 Эълонлар.
22.05 «Тропиканка сири». Телесериал.
*

Россия давлат телевидениеси
22.55 — 23.25
*

23.25 Эълонлар.
23.30 — 23.35 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Дарсга қўнғироқ».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта—Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Янги иқтисод».
21.25 «Дунё эшиги».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
22.15 «Безнен мирас» (татар тилида).
22.40 «Америка бизнесининг тарихи». 10—кўрсатув. «Ай—Би—Эм ва алоқа воситаларидаги революция.
23.10 Эълонлар.
23.15—23.25 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Асрлар оҳанги». Кинодастур.
9.00 «Ватанпарвар». Хизмат жойим — ички қўшинлар.
9.20 «Қуёш кулиб боққан кун». 1-кўрсатув.
9.50 «Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Сайил».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Абитуриент-96. Физика.
*
12.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
12.30 «Мен туғилган тупроқ». Телеочерк.
12.55 «Кенжатойдан кўрқ, эй ғаним». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш томошабинлар театри актёрлари билан учрашув.
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 «Мен ва дунё». Сиёсий клуб.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Жаҳонга юз тутган диёр». Германияда Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари.
21.35 «Рақс театри одимлари». «Тановар» рақс театри. 2-кўрсатув.
22.15 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Андижон вилояти.
22.55 «Аёл бахти». Кинокўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 О. Эргашев. «Армонли эртак». Теленовелла.
00.25 — 00.35 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юлдузли механика».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Гиннес-шоу».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55 — 23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ордубад». Телефильм.
*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».
***

18.15 — 21.40
*

21.40 «Бу ажиб дунё».
*

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 24.00
*

24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.10 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Дунё ва болалар».
19.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Кинематограф».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Тошкент оқшомида».
22.00 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
22.05 Эълонлар.
22.10 «Юлдузлар жилоси».
22.40 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
23.10—23.20 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Рақс театри одимлари». «Тановар» рақс театри. 2-кўрсатув.
9.15 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.30 «Қуёш кулиб боққан кун». 2-кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Тележурнал.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Абитуриент-96. Биология.
11.00 Инглиз тили.
11.35 Абитуриент-96. Адабиёт.
*
12.05 Болалар учун. «Қўнғироқча».
12.25 «Кекса санъаткорлар». Мусиқий дастур.
12.55 «Қойилмақом иш». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
18.25 «Фармон ва ижро». «Чарм» акционерлик Республика корпорацияси фаолиятидан.
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 «Гул кўп, чаман кўп». Телеочерк.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ватанни севмоқ иймондандир». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.40 «Доира довруғи». Ўзбекистон халқ артисти Т. Сайфуддинов.
22.10 «Суюнчи». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Гул ва гулоб». Адабий кўрсатув.
00.20 — 00.30 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хобби-холл».
20.15 «Мусиқа, холос...».
20.25 Эълонлар».
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дармон».
21.10 «Автосалон».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.25 — 00.05 «Кинонигоҳ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Чангқовуз». Телефильм.
*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».
***

18.10 — 20.40
*

20.40 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.
*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Компьютер—ревю».
19.25 АҚШ Мустақиллиги кунига. «Америка оламига назар».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта—Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Сахий хонадонда».
21.20 «Каталог».
21.35 Эълонлар.
21.40 «02» тўлқинида.
21.55 «Эколот—коктейль».
22.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.55 Эълонлар.
23.00 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.45—23.55 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот»
*
8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 «Ўзбекфильм» кўрсатади: «Нормурод Нарзуллаев».
9.05 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
9.35 «Чашма» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Булоқлар кўз очганда». Эзгулик ишқи билан.
10.25 Немис тили.
10.55 Болалар учун. «Орзу». Телемунозара.
11.30 «Вақт хиёбонида». Публицистик кўрсатув.
12.00 «Кирқ ҳунар ҳам оз...».
12.30 «Ҳур қиз». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Содиқ дўстлар». Мультфильм.
18.20 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.55 «Пул қадри». Тадбиркор ва банк.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳаёт ва қонун». Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Юнус Ражабий номидаги мақом танлови ғолибларининг концерти.
21.30 «Саҳна ҳаёти». Тележурнал.
22.00 «Олимп сари». Спорт дастури.
22.15 «Шариф ва Маъруф». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
00.30—00.40 Тунги концерт.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Видеогид».
20.15 «Мусиқа, холос...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00—24.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўйинчоқ». Телефильм.
*

Россия жамоат телевидениеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».
***

18.15 — 20.40
*

20.40 «Жонли сайёра».
*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.25 Моцарт асарларидан концерт.
23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Учқун».
19.35 «Бу бўстон-аро...»
20.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Мусиқий меҳмонхона».
21.20 «Бизнес—академия».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Дидар» (қозоқ тилида).
22.20—22.30 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Таранним». Мусиқий дастур.
9.05 Болалар учун. «Сехрли мўйқалам».
9.30 «Шоҳруҳ» клуби.
10.00 Э. Самандаров, С. Ҳайитбоев. «Башорат». Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
11.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.00 «Келдию кетди». Бадиий фильм.
13.30—14.30 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Она шаҳрим». Тошкент бўйлаб саёҳат.
18.25 Спорт хабарномаси.
18.40 «Тафаккур». Тележурнал.
19.10 Мусиқий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.15 Дам олиш концерти.
21.50 «Анда жоним қолди маним». Заҳириддин Муҳаммад Бобур.
22.25 «Жаҳон ҳафта ичида».
22.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Аския».
23.20 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

II

18.00 «Мультфейерверк».
18.10 «Ўйинчоқлар растаси».
18.20 «Ҳужжатли кино экрани».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бангкок-Хилтон». Телесериал.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05—23.45 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*

Россия жамоат телевидениеси
18.00 — 20.40
*

20.40 Эълонлар.
*

Россия давлат телевидениеси
20.45 — 23.15
*

23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 «Ранг-тасвир табассуми». Телефильм.

IV

10.00 «Маззо!».
10.15 Эълонлар.
10.20 Болалар учун фильм. «Чўртан балиқ амри билан».
11.15 «Устоз: кеча ва бугун».«Пастер» институти фаолияти ҳақида.
11.45—12.15 «Аёл».
***
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Олам ва одам».
19.25 «Чинсэн».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта—Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Рақслар қанотида».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Эсдалик учун дастхат». Азим Муллахонов.
21.50 Кинонинг олтин асри. «Ажойиб етти дўст». Бадиий фильм.
23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 —8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак» Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Анда жоним қолди маним». Заҳириддин Муҳаммад Бобур.
11.35 «Цирк! Цирк! Цирк!»
12.10 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.40 «Аҳмад қаёқда?» Бадиий фильм.
14.05—14.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Наврўз».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Уч қурбақа». Мультфильм.
18.10 «Ғўзаллик олами». Болалар тележурнали.
18.40 «Онамга мактуб». Кинокўрсатув.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Эстрада қўшиқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дастур.
21.35 «Зебо». Қизлар телевизион журнали.
22.05 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Сўғдиёна».
01.30—01.40 Тунги концерт.

II

18.00 «Эртаклар диёрига саёҳат».
18.20 Эълонлар.
18.25 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Табиат шифохонаси».
20.10 «Таманно»
20.20 «Транспорт ва йўловчи».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Футбол олами».
21.35 «Даракчи».
21.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.25—00.05 Видео — «О».

III

17.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*

Россия жамоат телевидениеси
17.50 — 23.15
*

23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.45 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 Эълонлар.
10.35 «Эртакларнинг сехрли олами».
12.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.15 Эълонлар.
12.20 «Парле ву франсэ?». Француз тили ҳамма учун.
12.50 «Маззо!».
13.05 «Жонли сайёра».
13.25 «Подиум».
13.45 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 4-серия.
15.00 «Оқ соя».
15.30 «Учувчи шифокорлар». Телесериал. 5 ва 6-сериялар (Англия).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мульткарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (рус тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Бу ажиб дунё».
19.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.25 «Иштирок этувчилар».
20.55 Киносалон. «Тутинган ота». Бадиий фильм. 5-серия.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Туризм—ревю».
23.10 «Сенинг вақтинг».
23.40 Эълонлар.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 310-ўрта мактаб томонидан Элбек Зайнабутдинов номига берилган UZA 036337 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Қўнғирот туман партия кенгаши биринчи котиби **Абилҳамид Жиймуротович КОМОЛОВ** фожиали вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК